

## ИМОМ БУХОРИЙ ҲАДИСЛАРИДА ИЛМ ЎРГАНИШ ОДОБИ

Абдумажидова Ҳамида <sup>1</sup>

<sup>1</sup> СамДТУ “Ижтимоий ва гуманитар фанлар” кафедраси ассистенти  
Узоқова Дурдона Муратали қизи ИСФТ Самарқанд филиали талабаси  
(Тел.: (+99893) 352-32-88,  
e-mail: [amirdinov.jahongir@mail.ru](mailto:amirdinov.jahongir@mail.ru))

### МАҚОЛА МА'ЛУМОТИ

### АННОТАЦИЯ:

#### МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 01.01.2025

Revised: 02.01.2025

Accepted: 03.01.2025

мақолада диний бағрикенгликни тарихий ривожланиши ва ҳозирги ҳолати ҳамда ушбу ходисани ёшлар тарбиясида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти кўрсатилган.

#### КАЛИТ СЎЗЛАР:

ҳадис, илм фазилати,  
“Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”,  
“Муҳаддислар султони”, Ислом конференцияси, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, конфессия, маърифат, Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази.

Ҳозирги кунда тарихий-илмий манбаалар кўрсатиб турибдики шарқ, хусусан Самарқанд жаҳон илм фани тараққиёти, ижтимоий маданияти ва маънавиятига катта ҳисса қўшиб, Шарқ ва Ғарб олимларининг бебаҳо илмий меросини шакллантиришда, фалсафий қарашлар, фикрлар ривожда, жаҳон халқларининг маънавий, диний кадриятлари, хусусан исломнинг ёйилишида алоҳида аҳамият касб этди ва IX-XII асрларга келиб қадимги Шарқнинг йирик илмий, диний ва маданий марказига айланди. Машҳур француз, шарқшунос олим Жан-Пол Ру: “Самарқанд ҳаммадан кўра

афсона ва ривоятлар шаҳри эди, у гўёки ибодатхона, деярли муқаддас шаҳардир” деб ёзган эди.

Имом Бухорий даҳосининг шаклланишида Самарқанд маънавиятининг ўрни бекиёсдир. Имом Бухорий 809 йилда Бухорода туғилиб, умрининг охиригача Самарқандда яшаган. Буюк муҳаддис ҳазратларининг ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссаси бениҳоядир. Аллоҳ таоло бу заминни даҳосиз қолдиришни истамай 870 йил, яъни Имом Бухорий вафоти йили дунёга Имом Мотрудийни берди.

Самарқанд яқинидаги Тайлоқ туманида яшаган Имом ад-Дорамий ҳадис илмидан Имом Бухорийга сабоқ берганлиги, уни машҳур муҳаддис бўлиб етишишида бекиёс хизмат қилганлиги маълум.

Имом Бухорий ҳазратлари ўзларидан улкан илмий мерос қолдирдилар. Ёш бўлатуриб, дунёга машҳур асарларни ёздилар. Имом Бухорийнинг жами асарлари йигирмадан ошади. Улар орасида “Китобут-тарих”дан ташқари, одобга оид бир минг уч юздан ортиқ ҳадисни жамлаган “Адабул-муфрад” алоҳида ўрин тутди. Булардан ташқари, “Китобус-сунан фил фикҳ”, “Халқу афъолил-ибод”, “Зуафоус-сағир”, “Ал-асмў ва куно”, “Биррул волидайн”, “Жомеул-кабир”, “Муснадул-кабир”, “Тафсирул-кабир”, “Китобул-илал” каби йирик асарлар бор. Булар ичида “Жоме ас-сахих” китоби бу асарларнинг гултожи, ҳадис китобларининг энг аълоси ва мукаммали, Имом Бухорийнинг шоҳ асарларидир.

Имом Бухорийнинг “Ал-Жоме ас-сахих” (1-жилд) асарида иймон, ахлоқ-одоб, илм ўрганмоқ ва илм ўргатмоқ фазилатларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Илм фазилати ва одобга оид қуйидаги ҳадисларни келтириб ўтамиз.

Аллоҳ таоло ояти каримасида: “Аллоҳ таоло сизларнинг орангиздаги иймон келтирганларни ва илмни юксалтирганларни бу дунёда ярлақаб, мартабасини улуғ қилғайдир, охиратда жаннатга кирмоқликни насиб этгусидир, Аллоҳ таоло қилаётган ишларингиздан хабардордир”,- дейилган. Яна бир бошқа ояти каримасида эса: “Ё раббий, илмимни зиёда қилғайсен, деб айт!”-дейилган.

Салом бериш ислом амалларидандир. Саҳоба Аммор айтганлар: “Учта хислатни ўзида мужассам қилган кишининг иймони мукамал бўлғайдир”:

- инсофли ва адолатли бўлмоқ;
- барчага салом бермоқ;
- камбағаллигида ҳам садақа бериб турмоқ”.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир киши сўради: “Исломда энг яхши хислатлар қайсидир?” Дедилар: ”Очларга таом бермоқлик, таниган ва танимаганга салом бермоқлик <sup>1</sup>”.

Илм ўрганмоқ ва илм ўргатмоқнинг фазилати ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам айтганлар: “Аллоҳ таоло менга юборган ҳидоят (Аллоҳ таоло бандаларига кўрсатган тўғри йўл, йўлланма) сингари илм ҳам кўп ёғган ёмғирга ўхшайди. Баъзи ер соф унумдор бўлиб, ёмғирни ўзига сингдирганида, ҳар хил ўсимликлар ва кўкатларни ўстирадир ва баъзан ер қурғоқ, қаттиқ бўлиб, сувни емасдан ўзида тўплайдир, ундан Аллоҳ таоло бандаларини фойдалантиргайдир. Одамлар сувдан ичгайдирлар, ҳайвонларни ва экинларни суғоргайдирлар. Баъзи ер эса текис бўлиб, сувни ўзида тутиб қолмайдир, кўкатни ҳам кўкартирмайдир. Буларни қуйидагича миқёса қилиш мумкиндир: Бир киши Аллоҳ илмини (исломни) теран ўрганадир, теран тушунадир ва ундан манфаатланадир ва Аллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатадир. Иккинчи бир киши илм ўрганиб, одамларга ўргатадир. Аммо ўзи ҳам амал қилмайдир. Учинчи бир киши мутакаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайдир, ўзгаларга ҳам ўргатмайдир. Булардан биринчиси мўмин, иккинчиси фосик, учинчиси кофирдир <sup>2</sup>”.

Юртимизда Қуръон илми, ҳадис, ислом ҳуқуқи, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси халқаро муносабатлар, хорижий тиллар ва бошқа халқаро миқёсда эҳтиёж мавжуд бўлган соҳалар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт - шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 22-июндаги 466-сон қарорига кўра Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Ушбу соҳаларда чуқур тадқиқотлар олиб боровчи илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, Ўз.ХИАнинг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланди. Ўз.ХИА профессор-ўқитувчилари, докторант ва магистрантлари, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази олимлари, ҳадисшунослик, фикҳ, тасаввуф соҳасидаги илмий тадқиқотлари билан Ўзбекистонда

---

<sup>1</sup> Ал-Жомий ас саҳиҳ (1-жилд)

Арабчадан Зокиржон Исмоил таржимаси. Қомуслар Бош таҳририяти. Тошкент 1991. 10-Бет.

<sup>2</sup> Ал-Жомий ас саҳиҳ (1-жилд)

Арабчадан Зокиржон Исмоил таржимаси. Қомуслар Бош таҳририяти. Тошкент 1991. 22-Бет.

---

ҳадисшунослик, фикҳ, тасаввуф мактабларининг ташкил этилишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида: “Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган “Саҳиҳи Бухорий”нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган.

Бу улуғ зотни ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Тошкентда ташкил этилаётган Ислам цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади”. Юртбошимизнинг бу чиқишларини барча мусулмон халқи диққат билан кузатди ва катта қизиқиш билдирди.

Дарҳақиқат, ҳамма нарсанинг асоси илмсизликка, маърифатсизликка ва маънавий қашшоқликка бориб тақалади. Ҳадис илмининг уламози Имом Бухорий ўзининг ҳадиси шарифида: “Бир кунлик илм олиш, қирқ кунлик тоат-ибодатдан афзалдир” деган фикри чуқур мазмуний аҳамиятга эгадир.

Биз ёшлар шундай хулосага келишимиз мумкинки миллатимиз, юртимиз юксалиши учун ҳам диний ҳам дунёвий илмларни бирдай эгаллашимиз, юртимиз келажаги учун бирдай қайғурмоғимиз лозим. Зеро фарзандлари соғлом ва илмли юрт қудратли бўлур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шавкат Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1. Тошкент - “Ўзбекистон”-2018.
2. Ислам Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” асари. Т. “Маънавият” 2008.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: ЎМЭ, 2003, 6-жилд
4. Ал-Жомий ас саҳиҳ (1-жилд). Арабчадан Зокиржон Исмоил таржимаси. Қомуслар Бош таҳририяти. Тошкент 1991.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислам Университети Исламшунослик илмий-тадқиқот маркази “Диншунослик асослари”. Т.”ТИУ” 2013

6. Ориф Аюпов. Дунё сиёсат жамият. Қайта тўлдирилган 8-нашр, Гулистон-2018.

7. Abdumajidova Kh. Globalization and modernization as an important feature of the development of modern society // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science-Philadelphiya Quest. – USA, 2021. - № 4. - P.75-78 (№23; SJIF: 6.161).

8. Abdumajidova H. // Active foreign policy of Uzbekistan and its impact on integration process in Central Asia. American Journal of Social and Humanitarian Research Vol.2, No 3. 17.05.2021. – P. 58-62.

9. Абдумажидова Х. Цивилизация, тараққиёт, модернизация ва глобаллашув жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги // Фалсафа ва ҳаёт. –Тошкент, 2020. -№ 2. – Б. 39- 46. (09.00.00; № 25).

10. Абдумажидова Х. Марказий Осиёда Ўзбекистон ҳамкорлик алоқаларининг ташқи сиёсатдаги устуворлиги // Наманган давлат университетининг илмий ахборотномаси. – Наманган, 2022. –№ 8. – Б. 202-207. (09.00.00; №24).

